

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТЕРРОРИЗМ ТАҲДИДЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ- АНТРОПОЛОГИК АСОСЛАРИ

Бойбутаев Жаҳонгир Жуманазар ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси доценти, ҳ.ф.ф.д. (PhD),
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21989142>

Аннотация. Мақолада Марказий Осиёда терроризм таҳдидларининг ижтимоий-антропологик хусусиятлари, уларнинг глобаллашув, меҳнат миграцияси, миллий ва диний идентиклик трансформацияси, рақамли коммуникациялар, трансмиллий мафкуравий таъсир ва ташқи можаро ҳудудлари билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинади. Терроризм таҳдидларини фақат ташқи сиёсий ёки ҳарбий омиллар билан эмас, балки инсоннинг ижтимоийлашуви, мансублик муносабатлари, қадриятлар тизими ва ахборот муҳитида кечаётган ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурлиги асосланади.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, терроризм, радикаллашув, ижтимоий антропология, миграция, идентиклик, рақамли муҳит, трансмиллий тарғибот, профилактика.

Марказий Осиёда терроризм таҳдидларини тадқиқ этишда мазкур ҳодисани фақат террористик ташкилотлар фаолияти, ташқи геосиёсий таъсирлар ёки содир этилган зўравонлик ҳаракатлари билан чеклаб тушунтириш етарли эмас. Минтақада мустақилликдан кейин кечган давлат ва жамият қурилиши, миллий ва диний идентикликнинг қайта шаклланиши, меҳнат миграциясининг кенгайиши, урбанизация ҳамда рақамли коммуникация воситаларининг ривожланиши инсоннинг ижтимоийлашуви ва мансублик муносабатларига сезиларли таъсир кўрсатди. Бу жараёнлар бир томондан ижтимоий мобиллик ва янги имкониятларни кенгайтирган бўлса, иккинчи томондан айрим шахсларда ижтимоий бегоналашув, идентиклик инқироzi ва янги мансублик шакллари излаш эҳтиёжини кучайтириши мумкин.

Марказий Осиёда терроризм таҳдидларининг муҳим антропологик жиҳатларидан бири меҳнат миграцияси билан боғлиқ. Миграцияни терроризмнинг бевосита сабаби сифатида талқин қилиш нотўғри. Бироқ шахснинг ўзининг одатий ижтимоий муҳитидан узоқлашиши, оилавий ва жамоавий алоқаларнинг заифлашиши, янги маданий муҳитга мослашишдаги қийинчиликлар, ҳуқуқий ҳимоянинг чекланганлиги ёки ижтимоий камситиш ҳолатлари унинг деструктив гуруҳлар таъсирига нисбатан сезгирлигини ошириши мумкин. Марказий Осиё меҳнат мигрантларининг радикаллашувига бағишланган тадқиқотларда ҳам мазкур жараён бир омилли эмаслиги, иқтисодий вазият, ижтимоий муносабатлар, диний билим, гуруҳий алоқалар ва шахсий тажриба ўзаро таъсирида кечиши кўрсатилган [1].

Шу жиҳатдан, радикаллашувни фақат иқтисодий қийинчиликлар ёки диний таъсир билан изоҳлаш илмий жиҳатдан етарли эмас. Шахснинг деструктив ғояга муносабати унинг ўзини жамиятда қандай ҳис қилиши, қайси гуруҳ билан идентификация қилиши, қандай ахборот муҳитида яшаши ва ўз ижтимоий ҳолатига қандай маъно бериши билан ҳам боғлиқдир. Радикал ташкилотлар айнан шу нуқталардан фойдаланиб, шахсга янги жамоавий идентиклик, рамзий мансублик ва “адолатни тиклаш” ғоясини таклиф қилиши мумкин.

Марказий Осиёда терроризмнинг янги шакллари белгилаётган омиллардан яна бири рақамли коммуникациялардир. Замонавий радикал ташкилотлар ўз ғояларини тарқатишда интернет, ижтимоий тармоқлар ва турли рақамли платформалардан фойдаланмоқда. Бу жараён радикаллашувни муайян ҳудудга боғлиқ ҳодисадан трансмиллий ахборот-коммуникацион жараёнга айлантирмоқда.

Хусусан, А.Х. Худойбердиев таҳлилида “Ислом давлати – Хуросон” тузилмасининг Марказий Осиё аҳолисига йўналтирилган ахборот-тарғибот фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Муаллиф ушбу ташкилот ўзбек ва тожик тилларидаги материаллар орқали тарафдорларни жалб этиш ва молиявий кўмак олишга ҳаракат қилаётганини қайд этади [2]. Бу ҳолат радикаллашувни “ташқаридан келаётган ғоя” сифатида эмас, балки маҳаллий тил, маданий рамзлар ва ижтимоий муаммоларга мослаштирилган трансмиллий коммуникацион таъсир сифатида баҳолаш зарурлигини кўрсатади. Шунинг учун замонавий профилактика фақат зарарли ахборотни техник жиҳатдан чеклаш билан яқунланмаслиги керак. Аксинча, шахснинг танқидий фикрлаши, ахборот манбаларини таҳлил қилиш қобилияти, миллий ва фуқаролик мансублигининг ижобий мазмуни ҳамда жамият билан барқарор ижтимоий алоқаларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиё хавфсизлигига таъсир этувчи яна бир муҳим омил Афғонистондаги вазият ва у билан боғлиқ трансмиллий террористик тармоқлардир.

Сўнгги йилларда терроризм таҳдиди минтақа ҳудудида содир этиладиган бевосита зўравонлик ҳаракатларидан ташқарига чиқиб, логистика, молиялаштириш, ташқи операциялар ва диаспоралар орқали рекрутнинг механизмлари билан ҳам боғланмоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳисоботларида ИШИД-Х Афғонистон ва Марказий Осиё билан боғлиқ тармоқлардан ташқи операциялар учун фойдаланиши мумкинлиги қайд этилган [3]. Бундай трансформация терроризм хавфини баҳолашда фақат ҳудудий мезонларга таяниш етарли эмаслигини кўрсатади. Шахс қайси давлат ҳудудида экани эмас, балки унинг қандай ижтимоий тармоқлар, ахборот оқимлари ва трансмиллий алоқалар билан боғлангани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Марказий Осиё билан боғлиқ яна бир муаммо хорижий можаро ҳудудларига борган шахсларнинг кейинги тақдири билан боғлиқ. Бундай шахсларни можаро ҳудудида қолганлар, давлат томонидан репатриация қилинганлар, мустақил қайтганлар ва учинчи давлатларга кўчганлар каби тоифаларга ажратиш хавфсизлик сиёсатини дифференциал шакллантириш имконини беради. Чунки мазкур тоифалар хавф даражаси, мотивацияси, ижтимоий тажрибаси ва реинтеграция эҳтиёжлари жиҳатидан бир хил эмас. Шу сабабли аёллар ва болалар учун ижтимоий-психологик ёрдам, таълим ва жамиятга қайта мослашув чоралари устувор аҳамият касб этса, жанговар тажрибага эга шахсларга нисбатан ҳуқуқий баҳолаш ва хавф даражасини индивидуал аниқлаш механизмлари қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ёндашув хавфсизлик ва инсонпарварликни бир-бирига зид қўймайди, аксинча уларни ягона профилактик тизимнинг ўзаро боғлиқ элементлари сифатида талқин қилади.

Шундай қилиб, Марказий Осиёда терроризм таҳдидларининг трансформацияси уларнинг йўқолиб бораётганини эмас, балки намоён бўлиш шакллари ўзгараётганини кўрсатади. Бевосита зўравонлик ҳолатларининг камайиши билан бир вақтда радикаллашув рақамли, миграцион ва трансмиллий ижтимоий муҳитларга кўчиши

мумкин. Шу сабабли терроризм хавфини таҳлил қилиш марказида инсон, унинг ижтимоий алоқалари, идентиклиги ва ахборот муҳити туриши лозим.

Хулоса. Марказий Осиёда терроризм таҳдидларининг ижтимоий-антропологик асослари миграция, трансмиллий мафкуравий таъсир, рақамли коммуникациялар, ижтимоий четлашув, идентиклик трансформацияси, ташқи можаро ҳудудлари ва қайтувчилар масаласи каби ўзаро боғланган жараёнларни қамраб олади. Уларнинг бирортасини терроризмнинг ягона сабаби сифатида баҳолаш мумкин эмас. Барқарор профилактика инсоннинг жамиятга мансублик ҳиссини кучайтириш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, радикал ахборот таъсирига нисбатан маърифий иммунитетни мустаҳкамлаш ҳамда Марказий Осиё давлатлари ўртасида ахборот ва тажриба алмашинувини кучайтиришга таяниши лозим.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Elshimi M.S., Pantucci R., Lain S., Salman N.L. Understanding the Factors Contributing to Radicalisation Among Central Asian Labour Migrants in Russia. – London: Royal United Services Institute for Defence and Security Studies, 2018. – P. 5-6.
2. Худайбердиев А.Х. Международный терроризм как угроза безопасности в Центральной Азии // Central Asia in Modern International Relations: Prospects for Sustainability and Development. – Ташкент: Ташкентский государственный университет востоковедения, 24 мая 2025 г. – С. 245-246.
3. United Nations Security Council. Report on the threat posed by ISIL (Da'esh) and associated terrorist groups. – New York: United Nations, 2024.